82.09(575.1)
83.3(5Уз6)
А 11

адабиёт ва санъат

Салоҳиддин Мамажонов

ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК РОМАНЛАРИДАГИ ҒОЯВИЙ ВА ЭСТЕТИК ИЗЛАНИШЛАР

Ҳозирги ўзбек романчилиги ҳолатига умумсовет адабиёти контекстида қарашга мажбурмиз. Ранг-баранг совет романчилигида бугунги ўзбек романининг ўз ўрни борми? Бутуниттифоқ адабий жамоатчилик, адабий танқид эътиборини қозонаётган асарлар борми? Бўлса улар кўпми, озми? СССР Ёзувчилар союзининг 1986 йилда бўлиб ўтган VIII съездида Одил Ёқубовнинг «Диёнат» романи ҳақиқат туйғуси чуқур асарлардан бири сифатида тилга олинди. Иттифоқ танқидчилиги ўз вақтида А. Мухтор, П. Қодиров, Ҳ. Ғулом, Ў. Ҳошимов ва Т. Пўлатов романлари хусусида ижобий баҳоларни айтишган эди. Лекин «Диёнат» бундан ўн йилча аввал ёзилган! Шу муддат орасида яратилган қайси романимиз кўпчиликнинг оғзига туша олди? Шу давр ичида йигирмалаб роман ёзилди, буларнинг бир қанчасини кўкларга кўтардик, мукофотлар бердик. Бироқ кўпчилиги давр синовидан, вақт элагидан ўта олмади. Ғоявий-бадиий жиҳатдан кашфиёт бўлиб ҳисобланган, тан олинган роман деб яна қайси бир асарни айта оламиз! Рус романчилигини қўятуриб, украин романчилиги, белорус, литва ёки грузин романчилиги дейилган сифат, яъни ўзига хослик нима учун бугунги ўзбек романчилигида равшан кўринмаяпти, ўша улуғ Абдулла Қодирий бошлаб берган, асос солган ўзбек романчилиги мактабини бугун такомиллаштириш анча суст эмасми? Абдулла Қодирий биринчи роман ёзганда-ку, бу жанр биз учун янги эди, ундан буён олтмиш йилдан кўпроқ вақт ўтди. Совет адабиётида кўплаб шоҳ асарлар майдонга келди, ёзувчиларнинг бир неча авлоди туғилди. Демак, тажриба, сабоқ, намуналар кам эмас. Унинг устига жаҳон романчилиги ютуқларидан кўпроқ фойдаланиш имкониятига эга бўлдик. Ҳаётга, воқеликка келганда, халқнинг турмуши ва тақдирига келганда улар шу қадар кўп ва ранг-баранг материал, фикр, ғоя ҳадя этдики, уни санаб тугатиб бўлмайди.

Бўлмаса гап нимада, сир қаерда? Бунга сабаб ижодкорнинг шахсиятига, туғма талантига, сиёсий шуури ва илмий

96026

ФИЛИАЛ

тафаккурининг етуклигига, гражданлик туйғусининг чуқурлигига, халқи, жамияти ва инсоният тарихи олдидаги ёзувчилик — фарзандлик бурчини нақадар теран ҳис қилишига боғлиқдир. Эҳтимол, романга хос тафаккур қилиш илдизи худди шу нуқтага бориб тақалар. Романга хос тафаккур эса ўз ичига жуда муҳим нарсани олади, ижодкор олдига катта талабни қўяди. Яъни у ёзувчидан ҳаётни яхлит, бир бутунлигича, демак, бутун ижобий жиҳатлари, салбий тенденциялари, барча зиддиятлари, мураккабликлари билан идрок этишни, воқеликнинг муҳим, бош, ўткир ижтимоий, сиёсий, фалсафий, ахлоқий масалаларини таҳлил этишни, инсон ва жамият ҳолатини, инсон ва тарихни ўзаро боғлиқликда ўрганишни, инсоннинг руҳий, маънавий оламини, ижтимоий мазмунини теран бадиий тадқиқ қилишни, кишилик жамияти олдида турган мураккаб, ечилмаган проблемаларни ҳал этишга ва унинг гуманистик интилишларига кўмаклашиши, маънавий изланишларига ёрдамлашиши керак. Ҳаётни, воқеликнинг янги қирраси, янги қатламини, янги қаҳрамон, янги характерни, типни кашф этиши лозим. Худди шуларни ифодалашга, гавдалантиришга қодир шакл, жанр, бадиий тасвирлаш воситаларини топиши, буларнинг янги имкониятларини очиши лозим. Бизнинг кўп романларимизда шу ҳолатлар, шу фазилатлар етишмайди. Воқеликнинг янги қатламини кўтариш, янги гап айтиш, янги қаҳрамон олиб кириш ўрнига айтилган гапни, аввал бошқа ёзувчилар томонидан кўтарилган масалани қўйиш бор, воқеликдаги янги конфликтларни илғаб ололмаслик ва уни жўн, байрам тусида тасвирлаш бор, материал, мавзу, инсоният, жамият ва тарих тақдирига жиддий боғлаб чуқур фалсафий асосда талқин қилинмайди, ижобий қаҳрамонлар билан салбий персонажлар, мураккаб образлар кескин кураш майдонида, ҳаракат жараёнида кўрсатилмайди. Схематик образлар, конфликтни характерлар мантиқидан ажратиб олиб ечиш, баёнчилик, адабий эзмалик, китобий тилда — газета тилида гапириш йўлидан борилди. Қуйма, ёрқин тасвирийлик ўрнини қуруқ таъриф-тавсиф, публицистик сўз, деклорация эгаллайди. Романларда характерни очишга хизмат этмайдиган, ҳаракатни кучайтиришни, конфликтни кескинлаштиришга йўналтирилмаган оддий савол-жавобдан ёки ахборот-лекциядан иборат диалоглар кўпайди, кераксиз, фаолиятсиз персонажлар, боблар, лавҳалар учрайди. Қаҳрамонларнинг руҳий оламини, унинг хатти-ҳаракати замирндаги психологик ҳолатни таҳлил этиш, унинг ўзига хос индивидуал қиёфасини равшан чизишга эришилмайди, улар бир хил, қуруқ, баландпарвоз тилда сўзлашади. Персонаж нутқи фақат бир усул, жўн усул билан, яъни социал — типологик йўл билан, бошқача айтганда ишчи бўлса, шу олмдан, колхозчи ёки зиёлини шу касбга доир сўзлар воситасида гапиртирилади, ваҳоланки ҳар бир персонаж энг аввало характер мантиқига, ҳолатига, жамиятда тутган мавқеига, ҳаётий тажрибаси ва позициясига қараб фикрлаши керак. Натижада китобхонга таъсир қиладиган — унга юқадиган, унга мадад, илҳом, куч берадиган, ёмонликка нисбатан қаҳр-ғазабини қўзғайдиган ўткир реалистик романлар жуда-жуда кам яратилди. Ахир қўл билан саноқли қаҳрамонлардан бошқа яна қайси адабий қаҳрамонни шу сўнгги йилларнинг руҳини, муҳрини, фазилатини ўзида мужассамлаштирган ёркин, ўрнак оладиган, намуна бўладиган, орқасидан эргаштирадиган типик образ деб айта оламиз!

Мана бу манзаралар 1986 йилги ўзбек романларида борми, деган савол туғилиши табиий. Булар бир ҳамла билан йўлдан олиб ташланадиган қусурлар эмас. Аммо 1986 йилда эълон қилинган саноқли романлар бу жанрда, унинг йўналиши, ғоявий-эстетик моҳиятида, поэтикасида изланишлар, самаралар бўлаётганидан далолат беради. Бунинг бош сабабини КПСС нинг тарихий XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг тарихий XVI пленуми, XXI съездидан кейин сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётимизда юз бераётган революцион ўзгаришлардан қидирмоқ керак бўлади. Роман жанр табиатига кўра жамиятнинг ҳозирги, бугунги ҳолатини таҳлил қилиш учун бир оз вақт, муддат ўтишини талаб қилади. Романнависларимиз бу тўсиқни дадил енгиб ўтиб, ҳозир жамиятимизда юз бераётган катта ўзгаришлар, қайта қуришлар, янгича ўйлаш, фикрлаш ва янгича ишлашга интилаётган одамлар билан бирга қадам босиб, шу бурилиш даврининг фалсафий моҳиятини очишга уринмоқда. Ҳозирги воқелигимизнинг тараққиёт қонуниятларини, ундаги мураккаб, кескин конфликтларни, айниқса сиёсий, ижтимоий, ахлоқий-психологик проблемаларни, шахснинг ижтимоий мазмунини, жамият, тарих олдидаги бурчини, халқ қудратини, унинг характерини очишга интилмоқда, айниқса ҳаётнинг ўткир социал-психологик конфликтлари, драматик, ҳатто фожиали тақдирлар сабоқлари асосида замоннинг бош ҳақиқатини айтишга бел боғладилар. Ҳа-

қиқат туйғуси ижодкорнинг бош ниятн, унинг имони, эътиқоди, ғоявий позициясига айланмоқда. О. Ёқубовнинг «Оқ қушлар, оппоқ қушлар», У. Ҳошимовнинг «Икки эшик ораси», Х. Тўхтабоевнинг «Ширин қовунлар мамлакатида ёки сеҳргарлар жанги», Ж. Абдуллахоновнинг «Хонадон» романларининг ғоявий-эстетик даражаси бир хил эмас, бироқ барчасида бош мезон бўлиб ҳақиқат туйғуси туради. Аммо ҳозирги даврнинг катта ҳақиқатини бадиий ҳақиқатга айлантиришда ёзувчиларимизнинг таланти, маҳорати етмаганлигини мазкур романларнинг айримлари яққол кўрсатиб турибди. Тўғри, адабий танқид «Оқ қушлар, оппоқ қушлар»ни ижобий баҳолади, айни чоқда Яшин, О. Тоғаев, П. Шермуҳамедов, Б. Назаровларнинг тақризларида романдаги айрим етишмовчиликлар рўйирост айтилди. «Икки эшик орасн» романига Ҳамза мукофотининг берилиши бу асарнинг шу йилги ўзбек романчилигининг ютуғи сифатида тан олинишидир. Х. Тўхтабоевнинг романи жиддий мунозара туғдириши мумкин. Ж. Абдуллахонов асари эса ўткир профессионал таҳлилга муҳтожки, бу асар сабоғи проза советимиз, журнал ўз зиммасидаги масъулиятни янада ошириши кераклигидан далолат беради. О. Ёқубов ўз романида бугунги покланиш давримизни, ҳақиқат руҳининг ҳаётимизнинг ҳамма жабҳасида тантана қилаётганини, биринчи навбатда инсон психологияси характерида бурилиш ясаётганини кўрсатади. Ёзувчининг битта ютуғини алоҳида таъкидлаш керак: у кечаги кунимиз устига чизиқ тортмайди, халқимиз, партиямиз адолат учун доим курашиб келди ва бугунги ютуқларимиз заминида халқимизнинг улуғ ишлари, ҳалол меҳнати, юксак орзулари ётибди, демоқчи. Асардаги уч ўртоқ — Расулжон, Шоввоз, Музаффар ва уларнинг командири Белобородовдан фақат биттаси — Музаффаргина ҳақиқат йўлидан чекиниб, қаллоблик йўлига ўтган. Ёзувчи бу тақдирлар мисолида ҳам воқелигимиздаги ҳоким, доимий фазилатни — ижобийликни таъкидлайди. Ҳатто Белобородов тили орқали «кўнгли пок, дили пок меҳнат аҳлининг дахли йўқ бу ишларга. Улар жавоб бермайди инсофу адолатни унутган бу олғирлар учун», дейди. Ёзувчининг бу концепциясини ўтказишда Шоввоз образи айниқса катта роль ўйнайди. Халқимизнинг энг яхши фазилатларини ўзида мужассамлаштирган бу образ жозибали, ҳаётий чиққан. Унинг тақдири колхоз тақдири, халқнинг катта тақдири ва жамият тақдири билан жипс боғланган. Ёзувчи унинг ижтимоий сиймосини, маънавий оламини, кўп қиррали психологик кечинмасини теран таҳлил этади. Кўпроқ унинг қалб кўзгусида акс этган турмуш ўртоғи Ойсулув ҳам тиниқ образ. Келини Меҳринисонинг мураккаб тақдири китобхонни ўйлатади. Ҳайкалтарош Беҳзод етук монументал санъат асарининг бош илдизини ҳаёт ҳақиқатига содиқлигида кўради. Мазкур образга, айниқса Расул Нуриддинов образига автор образи сингиб кетгани яққол сезилади. У ҳақиқатни дадил ҳимоя этади. Ёзувчининг яна бир ютуғи, шахснинг маънавий емирилишига олиб келган муҳитни ҳаққоний очишидир. Бизда муҳит, шароитнинг шахсга ижобий таъсир этишини ёки инсоннинг шароитни ўзгартиришдаги фаолиятини очувчи асарлар талайгина бор. Лекин шароит, муҳитнинг инсонни фожиага олиб келиши камдан-кам қаламга олинар эди. Бу журъатни партиямиз берди. О. Ёқубов Музаффар, Фотиҳлар тақдири, Шоввоз бошига тушган мушкулликлар мисолида жамиятимиз камолотига ғов бўлган ўша ярамас иллатларни келтириб чиқарган муҳитни, шарт-шароитни кўрсатади. Менинг назаримда, журналист Жаъфар Жавлонов фаолияти учун кенгроқ майдон бериш керак эди. Ахир айрим журналистлар ва ёзувчиларни ўз чизиғидан юргизишга уринган ва баъзан ғараз ниятини амалга оширган раҳбарлар бўлган эди-ку! Нигора экспедицияси билан боғлиқ чизиқнинг роман сюжети ривожига, конфликтининг кескинлашишига сезиларли таъсир қилмайди. Роман конфликтини ечишда баъзи ўринларда схематизмга йўл қўйилгани сезилади. Баён усулида, айниқса персонажларнинг руҳий кечинмасини очишда баъзан «Улуғбек хазинаси»даги усулларни такрорлайди. Қуйидаги жумлалар қаҳрамоннинг психологик ҳолати билан келиб чиқса-да, бари бир Улуғбек кечинмасини бериш усулини эслатади: «Ё тавба! Шоввоз салкам ўттиз йил ором нималигини билмай...», «Ё қудратингдан! Унинг ўттиз беш йил умри осуда куз офтобида мудраб ётган мана бу беқиёс боғда ўтибди», «Уттиз йилдан бери боғимизга тегиб турган шу қирга чиқиб, ёнбошлаб ётиб мириқиб бир томоша қилмабман» ва ҳ. к. Ёки қуйидаги мисол асарнинг айрим ўринларида тил, тасвир сайқал топганини билдиради: «У уйига кирганда хотини Ойсулув айвонда, икки ёнида уйқуга кетган икки набираси, тўшакда ниғини тиззасига қўйиб мудраб ўтирарди».

«Ёлкасида оқ яктак, бошида оқ тивит рўмол, ниғини тиззасига қўйганича мудраб қолган Ойсулув...» деб яна давом этади.

«Оқ қушлар...» билан «Икки эшик ораси» ўртасида ғоявий-эстетик муштараклик бор. Энг аввало иккала асарда ҳам воқеликни, инсон тақдирини фалсафий идрок этиш, унинг маънавиятини, ҳаётнинг мураккаб, оғир масалалари, жумбоқлари, ғовлари воситасида синовдан ўтказиш, аччиқ ҳақиқатни рўйирост кўрсатиб, китобхонга сабоқ бериш, огоҳлантириш йўли бор. У. Ҳошимов уруш мавзуини инсон имонини синовдан ўтказувчи майдон сифатида талқин қилиб, имони бут одамларни бугунги авлод учун ўрнак тарзида гавдалантиради. Романнинг бутун композицион қурилиши ёзувчининг шу ниятини таъсирли, ҳаётий, қизиқарли қилиб ифодалашга хизмат этади. У. Ҳошимов, табиатан мавзу, материал, фикр-ғоядагина эмас, балки жанр ва ифода бобида ҳам доим изланиб келаётган ёзувчидир. «Баҳор қайтмайди» асарида унинг лирик услубий йўналиши яққол кўринган эди. «Нур борки соя бор» романининг социал мазмунидаги ва шаклидаги янгиликни адабий танқид ўз вақтида етарли илғаб ололмади. «Икки эшик ораси» романида воқеа ёзувчининг бевосита иштирокисиз, персонажларнинг ўзлари томонидан ҳикоя қилинади. Тўғри, бу шакл жаҳон романчилигида, ҳатто драма ва кино санъатида кўп қўлланади. Бугина эмас. Шарқ халқ адабиётида, қиссахонлигида, шунингдек ёзма адабиётда (жумладан Навоийнинг «Сабъаи сайёр»ида) — воқеани қаҳрамоннинг ўзига ҳикоя қилдириш усули бор. Аммо буларда воқеа ўтган замонда юз бергандек ҳикоя қилинади. «Икки эшик орасида» асари шаклида сал бўлса-да, Шарқ адабиёти анъанаси сезилади. Лекин у асл моҳияти билан ҳозирги замон жаҳон адабиётида синовдан ўтган усулда ёзилган. Яъни воқеа ўтган замонда эмас, балки ҳозир, кўз олдингизда содир бўлади, сиз унинг фаол иштирокчисига айланасиз. Ҳикоя қилиш ўрнини кўрсатиш, драмадаги каби ҳаракат эгаллайди. Руҳий кечинма, руҳий коллизия, ўз-ўзини таҳлил этиш, лиризмнинг, психологик чуқурликнинг боиси шундан. Қаранг, романнинг муқаддимаси ва хотимасидагина Музаффарнинг бугунги ҳаёти кўрсатилади, қолган қирқ етти бобда воқеа ҳар хил қаҳрамон тилидан бир неча бор бошидан ҳикоя қилинади, тасвирланади. Китобхон Робия ёки Раънонинг бугунги ҳолати, бугунги тақдиридан хабардор бўлиб туради, лекин ёзувчи унинг ўтмишига қайтганда уни шундай гавдалантирадики, сиз энди буёғи нима бўлар экан, деб ҳаяжон билан ўқийсиз. Асар композициясида яна бир ўзига хослик бор: баъзи персонажлар бир ёки икки бобда ҳикоячи сифатида, баъзилари, жумладан, Музаффар муқаддима ва хотима билан бирга олганда ўн олти бобда ҳикоячи тарзида кўринади, баъзи қаҳрамонлар бирор марта ҳам ҳикоячи сифатида чиқмайди, аммо ўзга персонажлар ҳикояси тасвири ва уларнинг тасаввурлари орқали уларнинг ёркин, жозибали образи, ўзига хос характери гавдалантирилади. Бу ўринда Ориф оқсоқол, Ҳусан дума, Рашид абзи каби ёркин характерларни эслатиш мумкин. Булар кескин вазиятларда, муросасиз тўқнашувлар пайтида иштирок этишади, адолат, инсонийлик учун фаол курашадилар. Ёзувчи бу образларни халқчил қилиб чизади. У халқнинг турли тоифаси, турли ёшдаги вакилларининг образини чизиш орқали, халқнинг илғор миллий урф-одатлари, яшаш, турмуш тарзлари, фикрлаш йўллари, аскиялари, турмуш деталларини бериш орқали, айниқса унинг урушга муносабати ва шу синов йилларидаги гражданлик, инсоний сиймосини очиш орқали халқ образини яратади. Ҳатто Умар закунчи билан тўқнашув ва айниқса уни раисликдан ҳайдаб Ориф оқсоқолни қайтадан раисликка кўтариш пайтларидаги драматик вазиятларда халқ овози, қудратини тиниқ кўрсатади. Нафсоният ва ҳақиқат ўртада кўндаланг бўлиб қолган пайтдаги Ориф оқсоқол тантилиги, мардлиги, инсонийлигини эслайлик: Ориф оқсоқолнинг фарзанди урушда қаҳрамонларча ҳалок бўлади, лекин Зуҳра бева қолади, трактор ҳайдаб, эри ўрнини босади. У фронтдан ярадор бўлиб қайтган Козимжон деган йигитни севиб қолади. Бундан хабардор бўлган ҳамқишлоқлари Зуҳрани лаънатлайди, тошбўрон қилмоқчи бўлади. Оқсоқолнинг ҳам қаҳр-ғазабининг чеки йўқ, қўлига болта кўтаради. Бироқ бу фожианинг бош иллати Зуҳрада эмаслигини англаб етади; унинг қалбидан «уруш бўлмаганда» шу фожиа рўй бермас эди, деган ҳақиқат отилиб чиқади: «Зўраям ўзимнинг фарзандим. Йўлига тўғаноқ бўлсам, гуноҳга ботаман», деб уни ўша йигитга никоҳлаб қўяди. Ориф оқсоқол, Дума, «Қора амма», Робия, Шомурод ака, аскар Кимсан Ҳусановлар халқ учун ана шундай савобли ишларни кўп қилади, «ҳаёт деган иморатга» кўплаб ғиштлар қўйишади. Асарнинг фалсафий концепцияси шу ерда. Романда Зуҳра тақдирига ўхшаган драматик, айниқса фожиавий тақдирлар жуда кўп: Музаффарнинг тирик етим қолиши, онаси Раънонинг ундан жудо бўлиши, эри Шомурод акага хиёнат қилиб, Умар закунчига тегиб руҳий азобда қийналиб ва-

фот этиши. Робиянинг ўз севгилисидан жудо бўлиб, ада деб юрган амакисига турмушга чиқиши. Ориф оқсоқолнинг икки фарзандининг жангда ҳалок бўлиши. Мунаввар-нинг — Музаффар севгилисининг ўз-ўзини ўлдириши ва Музаффарнинг бунга ўзини айбдор деб юриши, уйланмаслиги ва ҳ. к. Булар зарурат тақозоси билан келиб чиққан ҳал этиб бўлмайдиган фожиавий ҳолатлардир. Ёзувчи воқеалар мантиқи, характерлар мантиқи, персонажларнинг руҳий изтироблари ва бевосита эътирофлари орқали шу фожиаларни фақат уруш келтириб чиқарди, деб унн лаънатлайди. Айни чоқда шу фожиавийлик ёзувчи учун халқ продасини, унинг сиёсий етуклигини, руҳий қудратини, маънавий юксаклигини акс эттириш имконини берган. Уруш Умар закунчидаги золимликни юқори чўққига чиқарган, (ҳатто уни фашистга ўхшатади ёзувчи). Бу китобхонда нафрат уйғотувчи таъсирли образ даражасига кўтарилган.

Асарда айрим қусурлар учрайди. Назаримда, Мунаввар билан Музаффарнинг даладаги хатога йўл қўйишини — тўйни кутмасликларини бериш сунъийдек туюлади. У шу хатоси ва бир кўкракни эмиб катта бўлган Музаффарга тега олмаслиги учун ўзини ўлдиради. Аслида бу ерга икки ўртадаги қаттиқ севгини қўйиш, иккаласи ҳам тирик, аммо бир-бири билан қовуша олмай куйиб ўтсалар, урушга бўлган нафрат янада кучлироқ ифодаланган бўлур эди. Музаффар бошқа образларга нисбатан бир оз жўн, фаолиятсизроқ чиққан. Асарда кўпсўзлик, чўзиқлик учрайди. Раъно билан Умар закунчининг хилватдаги маишатини Раънонинг ўзи ҳам, Робия ҳам, Умар закунчи ҳам ҳикоя қилади, бу ерда шу воқеага уч одам, уч позиция нуқтаи назаридан баҳо берилганда бошқа гап эди. Музаффар ҳикояларини ихчамлаштириш мумкинга ўхшайди. Шунингдек, «Тўй», «Уйда келин йиғлайди ёт бўлдим деб ёр-ёр», «Суюнчи беринг, ойим ўғил туғдилар», «Паҳлавоннинг бешиги», «Абдувалидан зўр чиқдим», «Бозордаги ўғри» каби бобчаларда этнографик ҳолатлар тасвирланади холос, ёки бошқа ўринда бир-икки штрих билан айтиб ўтиладиган нуқталардир. Баъзан аввал тасвирланган манзара, деталлар учраб қолади: фронтга жўнатиш пайтидаги поезд юриб кетиши ва қаҳрамоннинг чопиб бориб чиқиб олиши; душман ўқидан дўстини сақлаб қолиш учун ўзини ўққа тутиб бериш; бир солдат ўлса, ўнлаб ўзбек жангчисининг у билан овора бўлиб қолиб, ҳалок бўлиши; бировнинг нонини тортиб

олиб қўлга тушиб, калтакка қарамай нонни еб қўйган бола эпизоди; почтальон Рашид абзи хат олиб келганлиги учун одамларнинг уни айбдор деб ҳисоблаши» ва ҳ. к. Ҳар ҳолда бундай ўринлар романнинг композицион пухталигига путур етказган.

Х. Тўхтабоевнинг «Ширин қовунлар мамлакатида» романига унинг жанр табиатидан келиб чиқиб баҳо беришимиз керак. У саргузашт сюжет асосига қурилган сатирик асардир, унда илмий фантастика, шартли воситалар фаол қатнашади. Воқеани ўн олти-ўн етти ёшдаги Акром ҳикоя қилади. Ёзувчи шу Акромнинг саргузашти орқали ҳаётимиздаги иллатларни, ёмонлик билан яхшилик ўртасидаги курашни кўрсатади. Ёзувчи ҳозирги кунда ҳаётимизда рўй бераётган ўзгаришлар, ҳақиқат учун кураш ва унинг тантанасини болаларбоп тарзда қизиқарли акс эттиради. Акромнинг қатор ҳикоялари, саргузаштлари қизиқарли шакл олиб, порахўрлик, дангасалик, иғвогарлик, бюрократизм каби иллатларни кулгили йўсинда фош қилади. Асарда эртакка хос лавҳалар, лофлар билан реалистик тасвир ўрин алмашиб туради. Акром эртаклардагидек эшагининг устида ўсган ёнғоққа чиқиб, ундан тарвуз, кейин қовун ичига тушиб, шу қовунлар мамлакатидаги иллатларга қарши курашади. Бунда унинг сеҳрли қалпоқчаси кўмаклашади. Ёзувчи Сеҳргар Иблисни барча ёмонликлар рамзи қилиб олади. Назаримда, асарнинг мукаммаллигига путур етказувчи ўринлар анчагина бор: биринчидан, воқеани Акром ҳикоя қилар экан, баъзан ҳаракат, тасвирийлик, кўрсатув ўрнини баён қилиш эгаллаб қолади, жараённинг ўзини тасвирлашдан кўра натижасини айтиш, хабар бериш юз беради. Сўнгра иллатларни шунчаки санаб, намойиш қилиб ўтган ўринлар, асар воқеаси, жисми билан жипс боғланиб кетмаган боблар учрайди. «Матбуот конференцияси», «Қовунтог устида суратга тушдим», «Умрни узайтирадиган институт» каби боблари ҳақида шуни айтиш мумкин. Акром, унинг устози Дар Даража ихтиро қилган дорилар Сеҳргар Иблисни енгишда — уни шишага киритиб даф қилишда ёрдам беради. Менимча, Сеҳргар Иблисни шишага қамагандан кўра унга озиқ берувчи ёмонликларни йўқотиш, бунинг учун ҳалол меҳнат қилиш керак ва ҳалоллик, покликдан чекинган ерда, пайтда Сеҳргар Иблис бош кўтаради, тирилади деган ғояга урғу бериш лозимга ўхшайди. Мантиқ бўйича ҳам Сеҳргар Иблис иллатли одамларнинг қонини сўриб яшаши керак (ёзувчи иллатларнинг

қонда бўлишини фантастик йўл билан кўрсатади) Дар Даража ёки Гу Линнинг қонини сўрмаслиги, сўрса, улар яхши одамлар бўлгани учун бу ҳам яхши фазилатга эга бўлиши керак эди. Асар охири ҳам эртаклардагидек қаҳрамонларнинг муроду мақсадига етиши билан тугайди. Бу якун икки жиҳатидан ўринли эмасга ўхшайди: бири шуки, Сеҳрли Иблиснинг инсон учун даҳшатли хавф эканлигини таъкидлаш, одамларни огоҳликка чорлаш мақсадида уни озодликда қолдириш керак эди. Унинг устига асар охирида Акром бошидан ўтган саргузаштларнинг ҳаммасини унинг алаҳлаши сифатида берилади. Бу асарнинг таъсир кучини сусайтиради. Ғафур Ғулом «Шум бола»нинг дастлабки вариантида унинг саргузаштини туши, алаҳлаши тарзида изоҳлаган ва кейин қайта ишлаганда буларни олиб ташлаган эди. Сўнгра Х. Тўхтабоев «Сариқ девнинг ўлими» асарини ҳам шу тарзда — ҳаммаёқда дориломон тантана қилди, деган тасвир, орзу билан тугатган эди. Бу ерда шу усулини такрорламаслиги керак эди.

Жонрид Абдуллахоновнинг «Хонадон» романида олға сурмоқчи бўлган нияти яхши: ҳозирги янгиланиш даврини ёритмоқчи бўлади. Бутун юртни бир хонадон тарзида идрок этиб одамларнинг бир ёқадан бош чиқариб яшаши, меҳнат қилишини орзу қилади. Ёзувчи асарда янгилик учун курашувчи илғор раҳбар сифатида райижроком раисининг ўринбосари Расулжонни кўрсатади. Райижроком раиси Шерали Назарович фақат унга ҳамдард, архитектор дўсти Акбар ҳам, район агросаноат бирлашмасининг бошлиғи Тоҳиржон Пўлатов ҳам. Булар Расулжон билан бирлашиб ҳақиқат учун фаол курашмайди, Расулжон райкомнинг ҳамма секретарлари, яна қатор раҳбарларнинг кўзбўямачилигига қарши туради, унинг акаси, машҳур раис Қобил Комилович ҳам ўшалар томонда. Кўринадики, Расулжонни фаол қаҳрамон қилиб кўрсатиш, асар сюжетини драматик изга солиш, конфликтини таранг тортиш имконияти бор эди. Бироқ ёзувчи икки қутб ўртасидаги кескин курашни кўрсатмайди, Расулжон осонлик билан ҳаммасини енгиб чиқади. Унинг устидан юмалоқ хатлар уюштирилганлиги, унга виговор берилганлиги хабар қилинади-ю, булар конкрет кўрсатилмайди. Ҳатто марказдан келган комиссия қатнашган конференцияни ҳам ёзувчи қуруқ ахборот тарзида беради. Расулжоннинг нутқи бирорта кескинликни келтириб чиқармайди, комиссия раҳбари фақат кейинча «хонадон ҳақида яхши гапирдингиз» деб қўяди. Кейин

XVI пленум бўлганлиги айтилиб, биринчи котиб танқид қилинганлиги эслатилади. Янги котиб номзоди устида гап кетади, обкомдан келган вакил Расулжоннинг фикрини сўраганда у ўзи аввал курашиб юрган одамларни — консерватив раҳбарларни айтади. Район раҳбарларининг оилалари билан Расулжон учрашувини кўрсатувчи бобнинг ҳам вазифаси жуда кичик. Акбарнинг ўз лойиҳасини йўқотиб қўйди дейиши ҳам мантиқан асосли эмас, сунъий интригага чиқариш холос. Раиснинг ўғли Жавҳар образини чизишда автор позицияси равшан эмас. Машҳур раиснинг ўғли аввал уйланган ва боласи ҳам бор эмиш-ку, на қишлоқдагилар билади, на амакиси Расулжон хабардор. У яна Нозимага севги изҳор қилиб юради, хотини борлигини айтганда у воз кечиб кетади. Демак, Нозима ҳам уни севмаган, унинг устига бундай эпизодлар авваллари ҳам бадиий асарларда қўйилган. Нозима ҳайдагач, Жавҳар яна бошқа қизга — Зайнабга интилади. Жавҳарнинг фожиасини психологик асослаш керак эди. Унинг дадаси колхоз раиси Қобил Комилович ҳам адабиётда бор образ: пахтадан бошқани билмайди, хўжакўрсин, мақтаниш учун қурилишларга зеб беради, ўз секретари билан маишат қилади. Хутор системаси атрофидаги гаплар ҳам — яхши қишлоқларни сақлаб қолиш керак, деган масала ҳам адабиётимизда аввал қўйилган. Сўнгра муаллиф шу раисни гапирганда шу кунларимизнинг янги, тўғри гапи, проблемасини айттиради: у пахтанинг толаси учун курашиш, ҳақни тола учун тўлаш, шу мақсадда жойларда завод қуриш, пахтани майдоннинг саксон проценти очилганда теришни бошлаш каби фикрларни айтади. Агар у шунчалик илғор экан, укаси, бошқалар нега ундан хафа бўлади?! Ёзувчи бу ерда характер мантиқидан келиб чиқмаган. Ёзувчининг нутқи ҳам, персонажлар нутқи ҳам китобий, баландпарвоз, ғализ, ёзувчи тасвирийликка, қуймаликка интилмайди, натижада персонажлар кўп гапиради, бир хилда фикрлайди. Еши, касби, мавқеи, психологик ҳолати, характери, ҳаётий тажрибаси ҳар хил одамлар нутқининг қурилиши, мазмуни лугат таркиби, оҳанги ҳаммаси бир хил — газетанинг бош мақоласи шаклида. Бу асарда ҳам бошқа романларимизда учрайдигандек ёркин, монументал, кўтаринки қаҳрамон йўқ. Ҳаётимиздаги ҳозирги революцион ўзгаришларнинг инсон психологиясига чуқур таъсирини теран таҳлил қилиш етишмайди. Ўзбек романчилиги пахтакорнинг меҳнатини қаҳрамонлик мезони билан ўлчаб, бутун улуғлиги

ва мураккаблиги, фожиалари билан ҳаққоний кўрсатиб бериши керак. Негадир ёшларимизнинг роман жанрига қўл урмаётгани, журъат этмаётганлиги кишини ташвишга солади. Ахир М. Шолохов «Тинч Дон»ни, А. Қодирий «Ўтган кунлар»ни, Ойбек «Қутлуғ қон»ни ёзганларида ўттиз ёшда эдилар, «Сароб»нинг муаллифи ундан ҳам ёш эди. Хайриддин Султонов, Эркин Аъзамов, Мурод Муҳаммад Дўст авлоди роман жанри имкониятини намойиш қилиш даражасига аллақачон етган. Умумиттифоқ романчилиги сафида, ундан ташқарисида ўзбек романларининг кўпроқ бўлишини орзу қиламиз, чунки бу жанр улуғвор гуманистик ниятлар билан нафас олаётган халқимиз шуҳратини янада кенгроқ ёйилишига ўзининг катта ҳиссасини қўшиш имкониятига эга.

1987 йилда тарихий темада ўзбек адабиётида салмоқли асар ёзилди (Мирмуҳсинниинг «Темур Малик» романи босилиб чиқди ва ҳ.к.), бироқ матбуотда тарихий тема атрофида жиддий мунозаралар бўлди. Шуни айтиш керакки, кўп миллатли совет адабиётидаги, жумладан ўзбек совет адабиётидаги энг яхши асарларнинг каттагина қисмини тарихий мавзудаги асарлар ташкил қилади. Тўғри, маълум даврларда бу мавзуга қизиқиш кучайиб, маълум даврларда сусайиб туриши мумкин. Жумладан, Улуғ Ватан уруши йиллари халқнинг ватанпарварлик туйғусини ошириш ниятида совет адабиётида тарихий мавзуга оммавий эътибор кучайди. Кейинги ўн йилликлар даврида ҳам инсоният олдида уруш ва тинчлик, тенглик ва озодлик, дўстлик ва интернационализм масалалари янада кун тартибига чиқиши, айниқса инсоннинг ўз-ўзини таниш ва муҳофаза қилиш туйғуси кучайиши муносабати билан тарихий тематика янада жонланди. Тарихнинг ўткир сабоқлари бугуннинг катта ҳақиқатини, инсоннинг ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилишга ва замин тақдирини ҳал этишга хизмат этмоқда. Совет адабиётидаги тарихий тематика худди шу мақсад учун — коммунистик идеаллар тантанаси учун хизмат этмоқда.

Шунинг учун ҳам партиямиз бугунги ҳаётимиз, кунимиз тўғрисидаги асардан ҳам, тарихий мавзудаги асарлардан ҳам битта нарсани — ҳаққонийлик, халқчиллик ва коммунистик партиявийликни талаб қилмоқда. КПСС нинг янги таҳрирдаги Программасида «Социалистик реализм санъати халқчиллик ва партиявийлик принципларига асосланган-дир. У ҳаётни ҳаққоний, бадиий акс эттиришдаги дадил новаторликни Ватан ва жаҳон маданиятининг барча илғор анъаналаридан фойдаланиш ва бу анъаналарни ривожлантириш билан бирга қўшиб олиб боради. Адабиёт ва санъат арбоблари олдида чинакам эркин ижод қилиш, ўз маҳоратларини ошириш, хилма-хил реалистик шакллар, услуб ва жанрларни янада ривожлантириш учун кенг уфқлар очиб қўйилган», дейилади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг 1986 йил октябрь ойида бўлиб ўтган идеология ишининг самарадорлигини янада ошириш юзасидан республика партия ташкилотларининг вазифаларига бағишланган пленумида ўзбек адабиёти ва санъати олдида турган актуал масалаларни ҳам равшан белгилаб берди. Айниқса, унда ғоявий ва бадиий жиҳатдан бўш, мавзуси актуал, ўзи эса бадиий қашшоқ асарлар кескин танқид қилинди. Шу билан бирга тарихий мавзуга мустаҳкам партиявий ва синфий позицияда туриб ёндашиш масаласини жиддий қўйди. Пленумда айрим асарларда «Ўтмишни идеаллаштириш, ноинсофий ва нотарихий ёндашиш», «тарих ҳақиқатига зид» гапларни айтиш иллатига йўл қўйилганлиги кескин танқид қилинди.

В. И. Ленин ўз асарларида, айниқса «Партия ташкилоти ва партия адабиёти» мақоласида ижод эркинлиги ижодкорнинг ғоявий позициясига, унинг кишилик жамияти тарихининг тараққий қонуниятини, ундаги халқнинг буюк ролини чуқур билишига боғлиқ эканлигини таъкидлаган эди. Доҳиймиз ҳамма нарсани, ҳодисани ривожланишда, бошқа ҳодисалар билан узвий алоқада ва бугунги кун нуқтаи назаридан идрок этиш кераклигини уқтирган эди: «Марксизмнинг бутун мазмуни, унинг бутун системаси ҳар бир қонуни фақат а) тарихий нуқтаи назардан; б) фақат бошқа қонунлар билан боғлаб; в) фақат тарихнинг конкрет тажрибаси билан боғлаб текширишни талаб қилади», дейди доҳий (В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 49 т., 381-б.)

Доҳиймиз В. И. Ленин ўзининг «Фалсафа дафтарлари»да Гегелнинг қуйидаги сўзларини келтириб, «жуда оқилона гап» деб қўяди:

«Ҳар бир даврга шунчалик ўзига хос вазифалар хосдирки, у шунчалик индивидуал ҳолатни гавдалантирадики, фақат унинг ўзига суянган, унга асосланган ҳолдагина унинг тўғрисида фикр юритиш керак ва юритиш мумкин, холос» (В. И. Ленин. ТАТ, 29 т., 300-б.)

Ленининнинг қарашларидан совет адабиёти ва санъатининг муҳим принципи — историзм принципининг бош асоси келиб чиқади. Бу — тарихий ҳақиқатни бузмаслик, характерларни, типларни, улар ҳаракат қилаётган шароит, муҳит, одамларнинг, синфларнинг ўзаро муносабатини, улар ўртасидаги кескин синфий курашни ҳаққоний тасвирлаш, халқнинг тарихни ҳаракатга келтирувчи кучини чуқур ёритиш, ҳар бир воқеа-ҳодисага ижтимоий ва синфий баҳосини аниқ айтиш, тарих ҳақида объектив ҳақиқатни гапириш, воқеа-ҳодисалар, фактларнинг ички моҳиятини — юрагини очиш ва бугуннинг эҳтиёжи билан боғлиқ нуқталар, ипларни топиш керак демакдир. Аммо шуни таъкидлаш керакки, тарихий бадиий асарни тарих фани, иқтисод ёки фалсафа фанини бир-бири билан аралаштириш. алмаштириш керак эмас. Вульгар социологизм тарафдорларининг айби ҳам худди шунда, яъни бадиий асарнинг ўзига хослигини эсдан чиқаришида эди.

Бадиий асарда ёзувчининг дунёқараши, сиёсий кўзи, синфий шуури, партиявий позицияси, бадиий концепцияси, эстетик идеали бадиий асарнинг бутун мазмунида, барча ҳужайрасида — сюжетида, конфликтида, характерлар, типларида, образларида, барча бадиий деталларида ётади. Қуруқ ҳужжатнинг, маълум, тўғри сиёсий гапларнинг тарихий асарга мутлақо алоқаси йўқ. Бадиий асар инсоншуносликдир. Ёзувчи инсонларни, уларнинг ўзаро муносабатлари, курашларини бадиий таҳлил қилиш орқали улар яшаган замоннинг руҳини, моҳиятини очади, катта бадиий умумлашмалар қилиб, инсониятнинг бугунги кунда олдида турган ўткир ижтимоий, сиёсий ва ахлоқий проблемалари, саволлари, жумбоқларига жавоб қидиради. Аммо тарихий асар муаллифидан ҳар доим аниқ, тиниқ синфий позицияни, коммунистик партиявийликни талаб қиламиз.

Бадиий асарга, жумладан тарихий асарга унинг ўз табиатидан келиб чиқиб ёндашмаслик бизда методологик чалкашликларга олиб келди. Профессор М. Ваҳобовнинг «Правда Востока» газетасида босилган «Тарих ҳақиқатига зид» номли мақоласида М. Маҳмудовнинг «Мангу қоялар» романидаги персонаж, салбий персонаж нутқидаги гапларни ёзувчига нисбат беради. Мазкур сўзлар чиндан ҳам сиёсий хато. Чунки у душманнинг, халққа қарши курашаётган одамларнинг гапи. Романдаги хато аслида бунда эмас. Ёзувчи Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқларининг рус меҳнаткашлари билан биргаликда чоризм зулмига,

феодализм зулмига қарши курашини кўрсата олмаган. Тарихий мавзудаги асар бўладими ёки замонавий материалдан олиб ёзилган асар бўладими, ҳаммасида ёзувчи халқларни бир-бири билан янада жипслашиши, дўстлашиши ва тинчлик, фаровонлик, прогресс учун хизмат этадиган нуқталарга урғу бериши лозим.

Бу роман авторнинг биринчи йирик асари. Ундаги етишмовчиликларнинг илдизи шу маҳорат масаласига бориб тақалади. Бироқ авторнинг ғоявий нияти аниқ. Назаримда, романда сиёсий хато йўқ. Мавзу янги ва мураккаб, яъни Ўрта Осиё халқларининг Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг чоризм табаалигига олинишига қарши норозилигини ифодалаш ва миллий мустақиллик учун интилишини кўрсатишдир.

Романда 1868—70-йиллардаги воқеа ётади. Шунинг учун асар қаҳрамонларини баҳолаганда ана шу давр нуқтаи назаридан келиб чиқиш керакка ўхшайди. Бош қаҳрамонлардан Бўронбек, Бўривой, Уйғоқбек, Раҳмат полвонлар чоризм зулмига қарши курашадилар, бунда улар ўзбек, қозоқ, қирғиз, туркман, тожик, қорақалпоқ халқларининг бирлашишини ўйлайдилар ва одил хон, одил подшо тарафдорлари бўладилар. Ленинградда ўқиб келган ва мустақиллик учун ҳаракатнинг ғоявий йўлбошчиси Бўрибой роман охирида Бўронбек тўғрисида «Қани энди, шундай йигит хон ё саркарда бўлса? Афсус!», дейди. Бўронбойнинг бу позицияси унинг хон, бек, амирларга бориб, чоризмнинг босиб келишини тўхтатишга ёрдам беринглар, дейишида ҳам кўринади.

Авторнинг ғоявий ниятининг асосий қисмини ташиб юрувчи бу образлар — Бўронбой, Бўронбеклар тўқ оиладан. Бўрибой бойнинг ўғли, Бўронбекнинг отаси Раҳмат полвон ҳам ўзига тўқ. Бўронбекнинг тоғаси Уйғоқбек ҳам савдогар. Шунинг учун ҳам булар ўқишган, бошқа шаҳарларга, жумладан Россияга боришган. Булар қалбидаги ҳоким туйғу, фикр маърифатпарварликдир. Улар илғор рус халқи борлигини ҳам, чоризмни ҳам билишади, бир-биридан ажратишади. Бўривой «Негаки чор ҳукуматининг зулми биз қозоқларга ҳадсиз ошиб кетди. Ахир, у қонхўрлар биз-ку биз, ўрис халқига ҳам заҳар-зуғумларини аёвсиз сочишаётир. Мужиклар қулдай ишлаб, қулдай яшаётирлар... Чунки мужик — ҳуқуқсиз», дейди. Бўривой Россияда «чор ҳокимиятига қарши норозилик кучайиб бораётганлигини» гапириб, Пушкин, Гоголь, Лермонтов, Герцен, Бе-

линский, Некрасовларни «улуғ зот» деб тилга олади ва «бу ўрис улуғлари чор ҳукуматининг илдизига болта урдилар, ураётирлар, халқни озодликка чақираётирлар. Қани энди, туғилган, бизнинг халқларимизда ҳам шундай кишилар кўплаб бўлса! Бўлиши мумкин. Қачон? Қачонки, маърифат, маданият ишлари тўғри йўлга қўйилса!» дейди.

Бўронбек Бўривойни шу ниятлари учун ҳурмат қилади ва у билан бирлашади. У ҳам чоризмнинг ёмон ниятини фош қилгани ҳолда «ўрис халқидан анча нарса ўргансак бўлади», дейди. У рус тилини билади. Бўронбек Герценнинг «Қўшнингни бўйнига сиртмоқ солатуриб, ўз Ватанингда озодлик даврини бошламоқ мумкин эмас», деган фикрини келтириб, Эдуард Михайловични боплайди. Бўронбекнинг «Ўз миллатини севган киши, ўзга миллатни камситмайди; акс ҳолда ўз миллатини ҳам камситган бўлади», деган фикри унинг кимлигини кўрсатади. Бўронбек яна унга — Эдуард Михайловичга қараб: «Сиз мужикларнинг қора-қўллари туфайли оқсиз, тириксиз, тилингиз узун... Мен рус халқи деганда ана шу заҳматкашларни тушунаман!» дейди.

Уйғоқбек эса русга уйланган, рус ва инглиз тилларини яхши билади, болалари ҳам, хотини Татьяна Сергеевна интернационал руҳдаги аёл, у сингилсининг эри Эдуард Михайлович билан кескин тўқнашиб қозоқ, ўзбекларни ҳимоя қилади, эри ўлгач, унинг юртига келиб бир камбағалга — Холбекка эрга тегади.

Мана шу фактлар ёзувчининг масалага снёсий тўғри ёндашганлигини кўрсатади. Тўғри, Бўрибой ва Бўронбеклар рус мужиклари билан бирлашиб чоризм зулмига қарши курашиш кераклигини англаб етмайди. Ёзувчи тарихийлик принципидан келиб чиқиб, ўз қаҳрамонларини (улар фожиасини) шундай кўрсатади.

Автор мазкур қаҳрамонлари орқали инсондаги миллий ғурур, ватанга муҳаббат, тилга муҳаббат тўғрисида ўткир, жиддий, аммо тўғри мулоҳазалар юритади. Роман ҳозирги давр романларига хос фазилатга — интеллектуалликка мойил. Автор асарда иштирок этувчиларининг дунёқараши, фикр-мулоҳазаларини беришга интилади. Шунинг учун улар воқеа-ҳодисаларни ўз мезони билан ўлчаб, баҳолайди. Шу туфайли қаҳрамонлар — персонажлар гапини ёзувчига нисбат бериш тўғри эмас (ҳар доим ҳам). Автор фикри сингдирилган — қаҳрамон сўзига, фикрига қўшилиб кетган, бирлашиб кетган ўринлар ҳам кам эмас.

Лекин ёзувчи ҳар бир сўзни, у қаҳрамон тилиданми, автор тилиданми айтилишидан қатъий назар, мезонга ўлчаб, бир кесиши керак. Мана, Раҳмат полвоннинг ушбу парчадаги «Аммо ер юзини босиб олган Темур билан унинг аскарлари ҳам ўзбек бўлган», деган жумлани икки хил талқин қилиш мумкин. Раҳмат полвон хотинининг «Ҳеч бўлмаса ўзбекчиликни ҳурмат қилинг» деган танбеҳига бундай дейди:

«... Одатларимизни ҳеч ким чеклаб қўймаган. Сенга ўхшаган кўнгли бўшлар ўзбек деганда қўйдай ювош, душманга ҳам уйи тўридан жой берадиган, ландавур кишиларни тушунади. Аммо ер юзини босиб олган Темур билан унинг аскарлари ҳам ўзбек бўлган. Ҳиндистонни эгаллаган Бобур ҳам, Чингизхонни зир титратган Мангуберди ҳам ўзбек бўлган!»

Бу ерда автор ўзбекларнинг ичида ҳар хили бор, демоқчидир. Лекин бу ердаги Темурга доири жуда ҳам ўринсиз чиққан, шунинг учун уни ишлатмаслик керак эди ёки алоҳида жумлада очиқроқ айтиш керак эди. Бу нотўғри хулоса чиқаришга олиб боради. Эҳтимол, ёзувчи — Раҳмат полвонда Темурга нисбатан шундай илиқ қараш бор, демоқчидир, бу ахир персонаж, ишлатса ишлатибтида деяр. Чунки бошқа бир ўринда Қувкўз билан Раҳмат полвон ўртасида Темур тўғрисида баҳс кетади. Қувкўз Темурни мақтаб туриб хатоларини санайди. Шунда Раҳмат полвон ичида «Арзимаган кимса, Темурдек одамни лойга қориётипти», дейди. Лекин Қувкўз «Темур ўрнида бўлганимда» босиб олинган ердаги «эркакларини битта қўймай қириб ташлардим ё ҳаммасини пичиб қул қилардим!» деган сўзини эшитгач, унинг «ваҳшийлигидан» қаҳр-ғазаби келиб, «Одам шу қадар жоҳил бўладими?! Алҳазар!» дейди.

Бўронбекнинг ҳам Темурга баъзан тақлид қилиши романда ўринли чиқмаган. Бўронбек тоғбеги қилиб тайинланганда Темурнинг маълум лойиҳа асосида яратган «Боғи нақши жаҳон», «Боғи дилкушо», «Боғи чинор» каби чорбоғларини эслаб «Темурчасига боғ қуриш»га киришади. Яна бошқа ўринда «Бўронбек «Темур тузуклари»дан фойдалана бошлади» дейди. Шу ўринда яна «Бундай кезда Бўрибой кўпинча Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома»сидан парчалар ўқиб қоларди: «Темур бир вақтнинг ўзида душманларга офат, ўз аскарларига қаттиққўл раҳбар, ўз халқига эса ота бўла олар эди», деган парча бор.

Охирги жумла—«Ўз халқига эса ота бўла олар эди», дегани ҳақиқатга мутлақо зид-ку?! Буни автор изоҳламайди ёки инкор этмайди. Ёки романда яна бир ўрин бор — бунда ҳам автор чуқур ўйламай қалам тебратади: Қаҳрамонбекни қозиликдан олиниши воқеаси ўша давр бегларини гўё одил қилиб кўрсатиб қўяди. Қаҳрамонбек порахўрлиги учун қозиликдан олинади: «Бу — Жиззах бегининг амри. Унга кўп марта арз қилганликда. Энди Қамбарой қози этиб тайинланди. Биласизми, пора берган ҳам, пора олган ҳам бутун одамзот душмани ҳисобланади. Полвон Қамбаройнинг бокира аёл эканини, мактабга сабоқ беришини билар ва уни ҳурмат қилар эди». Ҳам порахўрни олган, ҳам бокира аёлни қози қилган экан, демак адолат бор экан-да, у замонда ҳам деган хулоса чиқиб қолиши мумкин. Сўнгра амир Санд Музаффар Бўронбекка саройда қолишни таклиф этади, «Омон бўл, ўғлим!» деб хайрлашади. Менимча романдаги бундай ўринлар авторнинг тажрибасизлигидан бўлса керак, романнинг китоб вариантида бундай ўринлардан воз кечиш керак.

Яна романда романнинг воқеаси, сюжет чизиғи ва асар конфликти билан боғланмаган, ўзича қизиқарли, экзотик тасвирлар талайгина бор (Холбек туякаш тарихи, қароқчилар, «Сув хотин» ва бошқалар). Шуниндек романда чоризмнинг ваҳшийлигини конкрет фош қиладиган ўринлар бўлиши керакка ўхшайди.

Бундай камчиликларни тезда тузатиш мумкин.

Романдаги асосий образлар жонли, ҳаётий чиққан. Қаҳрамонбекнинг разилликлари ҳам яхши очилган. Севги линиялари ҳам жозибали, улоқ тасвирлари моҳирона амалга оширилган. Ислом дини билан боғлиқ мулоҳазалар ҳам ғоят таъсирли. Авторда халққа, ватанга, унинг тарихига, маданиятига, тилига муҳаббати кучли. Ўйлатувчи, мулоҳазага тортувчи теран саҳифалар кўп.

Романнинг бошқа кўпгина ютуқлари ва камчиликлари, етишмовчиликлари тўғрисида сўзлаш мумкин эди. Лекин ҳозирги мақсадимиз бунда эмас. Яна таъкидлаб ўтмоқчимизки, романда қандайдир бошқа ният билан қилинган ғоявий ёки сиёсий қусур йўқ. Унда учраган ўринсиз жумлалар авторнинг тажрибасизлигидан келиб чиққан. Агар улар романдан чиқариб ташланса, унинг на шаклига, на мазмуни ва на ғоясига путур етади. Бу ёпишмаган ямоқ тарзидаги жумла, парчалар йўқотилса, бошқа ортиқча — боғланмаган парчалар олиниб ташланса, айниқса

сюжети яхлитлаштирилиб, кескин ўстириб борилса, оддий меҳнаткашлар иштироки кучайтирилса, рус халқи —«мужиклар»и билан боғлиқ ўринлар конкрет киритилса (ҳозир қаҳрамонлар қалби орқали берилган) эҳтимол асар янада пухталашар. Шу ҳолда роман М. Маҳмудовнинг йирик асар ёзишга, айниқса ҳаётга, воқеликка мустақил ёндаша олиши ва янги, муҳим мавзу топа олишидан далолат беради.

Кўп миллатли совет адабиётида ўтмишнинг машҳур тарихий шахсларига, нсёнкорларга, шоирлар, рассомлар, композиторлар, саркардаларга, шоҳлар, князлар, хонларга бағишланган талайгина тарихий роман, пьеса ва поэмалар яратилди . Булар орасида Иван Грозныйдан тортиб Петр I гача, Чингизхондан тортиб Темургача бор, қатор асарларнинг номи ҳатто шу тарихий шахслар номи билан юритилади. Гап бунда эмас. Ҳамма гап ижодкорнинг шу тарихий шахсларга, айтайлик инсоният тарихида золим ва босқинчи деб ном қолдирган тарихий шахсларнинг ҳаёти, кураши, тақдирига халқ манфаати нуқтаи назаридан, прогрессив инсоният манфаати, кишилик тарихининг тараққиёти нуқтаи назаридан баҳо беришда. А. Толстойнинг «Петр Биринчи» асарининг қудрати ҳам, сабоғи ҳам шунда.

Бу борада ўзбек тарихий романчилигида ҳам сабоқли мисоллар йўқ эмас. О. Ёқубовнинг «Кўҳна дунё» романи тарихий мавзудаги унинг иккинчи йирик асаридир. Асарга асос қилиб олинган тарихий материал, шахслар ва даврнинг ўзи ғоят улкан, мураккаб, масъулиятли. Унинг устига ёзувчи бу асарида «Улуғбек хазинаси» романига асос бўлган даврдан яна беш асрча узоқ даврга мурожаат этган. Авторга қийинчилик туғдирган нарса бундагина эмас, албатта. Роман марказида турган Беруний, Ибн Сино ва Султон Маҳмуд Ғазнавий каби тарихий шахслар ниҳоятда улкан ва машҳур фигуралардир. Султон Маҳмуд инсоният тарихида золим шоҳ сифатида ном қолдирган ва ёмонлик — золимлик рамзига айланган бўлса, Ибн Сино, Беруний тўғрисида эса халқ ажойиб афсоналар тўқиб, уларни улуғлаган. Улар халқ ақл-заковати, таланти, илм-маданияти, орзу-умидларининг ифодачисига, оннан жаҳонига айланган. Унинг устига халқ, тарих улар тўғрисида кўп нарсани билади. Бу — иккинчи қийинчилик бўлса, учинчи мушкуллик шундан иборатки, Ибн Сино ва Беруний тўғрисида кўплаб бадиий асарлар, киссалар, драматик асарлар, кинофильмлар достон ва шеърлар

ёзилган. Булар халқнинг, китобхоннинг бу улуғ аллома-лар тўғрисидаги таассуротлари, тасаввурларини янада бойитди. Яна булар ижодини илмий ўрганиш билан боғлиқ яратилаётган олам-олам илмий китобларни ҳисобга ол-сак, ҳар бир ўқимишли одамнинг қалбида буларнинг об-рази ўзича шаклланганига амин бўламиз. Тўртинчи қи-йинчилик О. Ёқубовнинг «Улуғбек хазинаси» романи ҳам узоқ ўтмиш тўғрисида ва илм кишиси тўғрисида эди. Улуғбек шоҳ бўлгани учун романдаги воқеа ва иштирок этувчилар шу салтанат билан боғлиқ эди. «Кўҳна дунё»-нинг воқеаси ҳам ўша даврдаги сиёсий тузум билан, унинг вакиллари билан жипс боғланган. Неча асрлар давомида ҳукмронлик қилган феодал тузумининг асл моҳияти бир хил эди. Беруний, Ибн Синонинг эзгу ишлари, илғор ғоя-ларининг рўёбга чиқишига шу тузум вакиллари катта ғов бўлиши табиий эди (Улуғбек шоҳ бўлатуриб илмий иши-ни — прогрессив ғояларини осонликча амалга оширолмади ва шу туфайли ҳалок бўлди). Мана бундай муштарак то-монлар ёзувчи хоҳласа-хоҳламаса уни такрорга етаклайди. Романда шундай мажбурий келиб чиққан ситуациялар, интригалар ҳам йўқ эмас (тахт, амал учун кураш линия-лари). Яна бошқа — бадиий тасвир принциплари билан боғлиқ такрорлар ҳам борки, буни қуйироқда эслатармиз.

О. Ёқубов юқорида санаб ўтилган ғовларни енгиб ўтишга уринган ва кўп ҳолларда бунинг уддасидан чиққан. Бунда Берунийлар яшаган даврнинг бош хусусиятини — халқнинг золимлар зулмидан норозилиги авж олган ва буни очиқ намойиш қилишга интилишини асос қилиб ол-ган. Романнинг Қутлуғқадам — Маликул шаробнинг кул-баси — майхонаси тавсиридан бошланиши бежиз эмас. Ма-ликул шароб исломга қарши ва адолатсиз зулмга қарши бош кўтарган қарматийлар деган илғор оқимга — ҳаракат-га мансуб шахс. Муқанна бошчилигидаги халқ ҳаракати, қарматийлар ҳаракати бир неча асрдан буён давом этар ва Ибн Сино, Берунийлар даврида ҳам мавжуд эди. Бу тарихнинг эътиборини тортган воқеа бўлгани учун Беруний бу ҳақда рисола ҳам ёзган эди (Берунийнинг Муқанна ва қарматийларга меҳр билан қараши унинг адолатли тузум, одил шоҳ тўғрисидаги орзу-идеалларидан келиб чиққани табиий эди). Беруний ҳам шу майхонага келиб туради, Маликул шароб, Бобо Хурмо, Пири Ғиж-жакий, Бобо Ҳофиз Булбулийлар даврасида, суҳбатида бўлиб туради.

Зотан Маликул шаробнинг ҳаёт йўли, тақдири қизи-қарли, у кишининг ёдидан чиқмайдиган жозибали образ-лардан бири. Шу даврнинг доимий иштирокчиси, яхши найчи, аммо ўзи айғоқчи, ярамас Пири Букрийга ҳам ёзувчи ҳаракат қилиш ва ўзининг кимлигини намойиш қилиш учун майдон берган. Бобо Хурмо Савдойи ҳам халқнинг оддий вакили сифатида қатнашади ва анчагина мукаммал образ. Наргизбону фаолиятда кўп кўрсатилма-са-да ёзувчи қаҳрамонлар тасаввури, фикри орқали унга ҳам кишида меҳр уйғота олади.

Султон Маҳмуднинг ўғли амир Маъсуд ҳам воқеада кам кўринса-да, ёзувчи унинг маънавий қашшоқлигини ёрита олган: тахт учун отасининг ўлимига ҳам рози (арс-лон ҳужуми детали ёки отасининг кейинги касаллигига му-носабати). Султон Маҳмуднинг бош вазири Али Ғариб ва иккинчи вазири Абул Ҳасанаклар фаолияти учун катта ўрин берилган, уларнинг амал талашиши, ҳийлакорлиги, юзсизлиги, лаганбардорлигини кўрсатишга уринган, бироқ улар схематикроқ чиқиб қолган: бундай вазирлар биз-нинг бадиий асарларимизда кўп учрайди.

Берунийнинг жорияси Садафбиби бир неча мақсад учун хизмат этади: Берунийнинг шогирди Сабҳу уни се-вади, Беруний ҳам унга никоҳлаб бермоқчи. Бироқ қиз Берунийни севади, кекса Берунийнинг кўнглида ҳам унга мойиллик йўқ эмас, ақл устун чиқиб туради, қатъий қа-рорга келишга улгурмайди. Пири Букрий Садафни тала-шади, охири пул эвазига (бутун Ғазнани сотиб олишга арзийдиган жавоҳир эвазига) уни тортиб олади. Бунда Султон Маҳмуднинг синглиси Хатлибегим унга ёрдам беради. Чунки у Берунийдан уни рашк қилади. Кўриниб турибдики, Садафбиби зиммасига катта мазмун юкланган. Пири Букрийнинг унга ёпишишини янада чуқурроқ асос-лаш керакка ўхшайди, Берунийнинг биринчи севгисига ҳам у ғов бўлган эди. Ўртадаги катта ва узоқ адоватнинг илдизларини очиш керакка ўхшайди. Ўрни келганда Беру-нийнинг шу Райҳонага бўлган севгиси хусусида ҳам айтиб ўтиш керак: автор Берунийнинг Райҳонани илк бор кўр-гани, Пири Букрий қўлидан озод қилинишини айтади, уч бет ўтгач, уни севиб қолганини (бир кунлик воқеа) ва бирга бўлганини ёзади. Бунга майли дейлик. Хатлибегим билан ҳам ўн йил аввал бирдан тунда бирга бўлишади. Беруний уни севмайди, шундай экан бирга бўлиши ға-лати туюлади. Беруний «яхши бўлсин, ёмон бўлсин, бир

маҳаллар бир неча тотли дақиқа бағишлаган», деб эслайди. Бу эпизодик ва заиф асосланган деталь керакмикан?! Ибн Синонинг муҳаббати ҳам бахтсиз. Тарих индамаган экан, буни йўл-йўлакай қўйиш шартми?! Ё ҳаётий, фалсафий асосини очиш керакдир.

Асарда юқори табақа билан оддий меҳнаткаш халқ ўртасидаги курашни кескинлиги билан кўрсатиш учун топилган қулай яна бир имконият Қоракўзбегим ва унинг севгилиси линиясидан етарли фойдаланилмаган. У Ибн Синонинг севгилиси Бўтакўзбегимнинг қизи. Уни ўғирлашиб, амир Маъсудга тортиқ қилишган. Йигит унга етишиш учун курашмайди, ҳаракат қилмайди, шаҳар ёнида гўрга кўкрагини ерга бериб ётаверади. Ибн Сино вабога қарши курашиш учун Исфихонга борганда Маъсуд уни ўзини даволашга чақиради. Шунда Ибн Сино икки шартни қўйди: халққа вабодан қутулишда ёрдам бериш ва қизни озод қилиш. Лекин кейингисини амалга оширишга йўл қўймай, Ибн Синони Султон Маҳмудни даволатиш учун Ғазнага мажбуран юборади. Шу ўринда Ибн Сино билан Маъсудни янада кескинроқ тўқнаштириш, Ибн Синони янада фаоллаштириш мумкин эди. Чунки Қоракўзбегимни ўзини қизидай яхши кўрар эди.

Романда яхши чиққан образлардан бири Ибн Шаҳвоний, яъни сохта Ибн Сино. Ёзувчи унинг маънавий маразлигини, айёрлигини яхши очган. Ибн Синога ҳасад ва ҳавас қилиб, унинг номини сотиб бойиб юради. Султон Маҳмуд вазирлари унинг истаги учун (яъни Султон Маҳмуд оғир касал бўлиб қолади ва ягона умиди Ибн Синодан эди. Ибн Сино эса унинг тазйиқидан неча йиллардан буён қочиб юради) ва ўзларининг жонини сақлаб қолиш учун (Султон Ибн Синони топишмаса, бошини кесишга аҳд қилган) шу сохта Ибн Синодан фойдаланишади. Ибн Шаҳвоний айни чоқда вазирлар, Хатлибегим, амир Маъсуд, сарой шоири Унсурийларнинг қалб оламини — башарасини очиб беришда хизмат этади.

Асарнинг марказида учта йирик образ туради. Булар Беруний, Ибн Сино ва Султон Маҳмуд Ғазнавий. Ғазнавийнинг йиртқичлиги, золимлигини бир неча деталларда кўрсатади. Воқеа, ҳикоят, суҳбатлар орқали ёзувчи китобхон диққатини Султон Маҳмуддек ярамасларнинг зулмига чидаб туриш керак эмас, агар шундай золимлар ҳукм сурар экан, бунга одамларнинг нодонлиги, кўниб, чидаб юриши ҳам, демак ўзлари ҳам сабабчи, ундайлардан

қутулиш учун фаол курашиш керак, деган ғояни ўтказади.Назаримда, романдаги энг кучли нуқталарнинг бири шунда. Зотан асарнинг замон билан туташадиган иплари ҳам мана шунда. Ёзувчи Султон Маҳмуд орқали ўзгалар бахтсизлиги эвазига ўз юртини обод қилиш фалсафасининг чиркинлигини очиб ташлайди (Султон Маҳмуд Ғазнани обод қилгани билан мақтанади).

Ёзувчи Ибн Сино ва Берунийнинг руҳий олами, илмий тафаккури, орзу-идеали, инсонпарварлиги ҳамда замонининг адолатсизлигини ёритиб беради. Улар тақдири ақлли одамларнинг боши оёқ остида, ярамаслар иззат-ҳурматда бўлган ўтмиш тузумини кўрсатиб беради.

Баъзи мулоҳаза, истакларни айтиб ўтиш лозим. Бу асарда «Улуғбек хазинаси», «Диёнат»даги каби изчил, драматик сюжет ва айниқса мустаҳкам, қуйма, занжирдек туташ композиция етишмаётгандек. Бунинг сабаблари, чамамда, ёзувчи нуқтаи назарини сохта Ибн Сино билан боғлиқ эпизодларга қараб кетиб қолишида бўлса керак. Ахир асарнинг биринчи бобидан Ибн Шаҳвонийнинг келиши, кейин ҳибсга олиниши устида сўзланади, сўнгра уни Султон Маҳмудга олиб кириш билан боғлиқ тафсилотлар бошланиб кетади. Булар керагидан ортиқча чўзиқ. Ибн Сино, Беруний ва Султон Маҳмуднинг ҳаёт йўли билан боғлиқ аксарий воқеалар хотирлаш, эслаш орқали берилади. Бундай ўринларда хатти-ҳаракат, тўқнашув, кураш тасвирини баёнчилик эгаллаб олган. Султон Маҳмуд ҳам Улуғбек каби қирқ йиллик ҳукмронлик тарихини қайта-қайта айтади, унинг қилган мудҳиш ишлари ҳам ё ўзининг гапи-хаёли ёки бошқа қаҳрамонларнинг ҳикоя қилиб бериши орқали ёритилади. Асарда жуда кўп учровчи такрор-эпизодни, ўтмишдаги бирор воқеа ва гапни эслашдан келиб чиқади: Садафбибини Беруний ёқтириши ҳақида икки ерда гапирилади; Султон Маҳмуднинг ибодатхонани куйдириши ва 50 минг одамни ўлдириши ҳақидаги қилмишини аввал Беруний эслайди, кейин Султоннинг ўзи эслайди; «неъмати илоҳий» дарахти тўғрисида ҳам шундай такрорий гаплар бор; Райҳона тарихи ҳам икки ерда; амир Маъсуднинг ишратхонаси тасвири ҳам икки ерда; Берунийни Султон Маҳмуд қандай синагани тўғрисидаги эпизод ҳам икки ерда (қайси эшикдан чиқиб кетишини топиш масаласи); Ибн Синонинг Бўтакўз билан чодирдаги учрашуви ҳам икки ерда айтилади; Имом Исмоилнинг фалсафаси тўғрисидаги гап ҳам икки ерда бе-

рилган: бир сафар ўзи, (бир сафар Беруний устозининг дорга осилишида); Фирдавсийнинг Султон Маҳмуд берган инъомни камбағалларга улашиб бериши икки ерда айтилган ва ҳ. к. Булар икки қаҳрамон нуқтаи назаридан қайтарилса ёки янги фикрни тасдиқлаш учун хизмат этсагина ўзини оқларди.

Жузжоний хотирасидан фойдаланишга келганда, келтирилган баъзи парчалар ёзувчи тасвирига — ниятига ҳеч нарса қўшмайди, баён услуби ҳам (биринчи шахсда, тўғрироғи Жузжоний томонидан ҳикоя қилинишини эътиборга олмаганда) ёзувчи баёни — автор нутқидан кескин фарқ қилмайди. Дарвоқе, ёзувчи ўша давр тил колоритини беришга ҳам интилмайди.

Психологик таҳлил заифроқ ва ҳадеб бир хил прием ишлатилган жойлар ҳам йўқ эмас.

П. Қодировнинг «Юлдузли тунлар» романида ҳам саркарда, шоҳ ва машҳур шоир Бобурнинг мураккаб, сабоқли тақдири туради. М. Ваҳобовнинг юқорида тилга олинган мақоласида ёзувчидан Бобурнинг шоҳлигини, золимлигини янада кенгроқ тавсирлаши керак эди, деган бош ниятни ёқлаш мумкин-у, аммо унинг зулмини ва босқинчилигини кўрсатмади, деган даъвосига қўшилиб бўлмайди. Энг аввало ёзувчи Бобур ҳаёти, фаолияти, тақдирига халқ манфаати кўзи билан, синфий ва партиявий нуқтаи назар билан ёндашган, унинг мураккаб, фожиали тақдирини шу мезон билан баҳолаган. Ундаги аввалги ҳукмдорларга нисбатан прогрессив бўлган жиҳатлар ва шеъриятдаги илғор туйғу, кечинмалар, айниқса «Бобурнома»даги ўз қилмиш-қидирмишлари тўғрисидаги эътирофлари ҳам уни халқ томонида турганига далил бўлолмайди. П. Қодиров романда Бобур образининг моҳиятига шу ҳақиқатни сингдирган. Ундан ташқари асарда қатор образлар орқали ҳам Бобурнинг босқинчилиги, зулмини очиб беради. Асарда «Урушнинг бутун жабру жафоси эл-улуснинг бошига тушадир», деган жумла — тезис унинг қонқонига сингган. Тоҳир — Робиянинг бахтсиз муҳаббати, аччиқ тақдири китобхонни ўйлантирмайдими?! Тоҳир (Бобурнинг энг ишонган навкари), «Мен бераҳмлар орасида юриб бераҳм бўлиб кетган эканман», деб тан олади. Бошқа бир ўринда яна бошқа персонаж «Сиз ҳам Иброҳим Лодининг зулмидан қочиб келган экансиз. Энди бу зулмдан бизни ким қутқаради деб ўйлайсиз?» деса, иккинчиси «Худо» деб жавоб беради. Малика, Иброҳимнинг онаси Фотиҳлар Нанипатда минг-минг одамларнинг ўлимига сабаб бўлди! Бу мамлакатнинг яна кўп жойларига ажал уруғини экди!» дейди. Бобур ўзига суиқасд қилганларнинг — ошпазларнинг бирини тириклай терисини шилдиради, иккинчисининг оёқ-қўлларини, бошларини кестириб, вужудини майдалатади, учинчисини — канизакни қутурган филнинг оёғида эздиртириб ўлдиртиради. Бобурнинг ўзи ҳам ўйга чўмиб, «Бегона юртга борган фотиҳни осонликча кечирмасликлари, унинг қиличидан пайдо бўлган яралар асрлар давомида битмаслиги рост бўлса...» дейди. Бундай фактларни яна келтириш мумкин эди.

В. И. Ленининг қуйидаги ажойиб фикрини эсда тутишимиз керакка ўхшайди.

«Бунинг ҳақиқатан пойдевор бўлиши учун бўлак-бўлак фактларни эмас, балки текшириладиган масалага оид фактларнинг ҳеч бир истисносиз бутун мажмуини олиш зарур, чунки, бошқача бўлганида, фактлар ўз билганича сайлаб ёки териб олинган, бирон-бир нафлос ишни оқлаш учун, «субъектив бир уйдирма тақдим қилинаётир», деган шубҳа туғилади ва бу шубҳа тамоман қонуний шубҳадир» (В. И. Ленин. ТАТ, 30 т., 405-б.)

Лекин бу деган сўз «Юлдузи тунлар» романида камчиликлар йўқ демак эмас. Ёзувчининг бадиий маҳорати даражаси хусусида жиддий баҳс қилиш мумкин ва бу баҳс ҳозирги тарихий романчилигимиз ривожига фойда келтирган бўлур эди. Романда «Бобурнома» таъсирида, тарихий ҳужжатлар тазйиқида қолиб кетиш, жангномачиликка берилиш ва асосий қаҳрамонларнинг руҳий дунёси, психологик ҳолатини теран таҳлил этмаслик қусури бор. Умуман, кейинги йилларда яратилган тарихий романлар ва пьесаларга разм солинса, воқеликнинг янги қатламини, янги қиррасини кашф этиш, янги тип, янги характер яратиш ҳодисаси жуда кам учрамоқда. Қатор асарларга разм солинг: сарой интригаси, тож-тахт талашиш, маиший бузуқлик, риёкорлик ва ҳ. к. Конфликтни шу тарзда қўйиш жуда кўп асарларда учрайди. «Темур Малик»да ёзувчининг янги, мустақил концепцияси, проблемаси, дарди бўртиб турмайди. Босқинчиларга қарши курашнинг ранг-баранг қирралари, мотивлари, ахлоқий, сиёсий, ижтимоий проблемалари бор. Ёзувчи қаҳрамонликни фақат жангнома орқали бермоқчи бўлади. Ҳатто тарихий роман муаллифлари ҳам диққатини тарихий ҳужжат, тарихий шахс тўғрисидаги манбаларга содиқ қолганига урғу беришга

уринмоқдалар, бош нияти тарихий ҳақиқатни бадиий ҳақиқатга айлантириш эканлигига бир оз менсимай қараёт гандай туюлмоқда. «Темур Малик» романи охирига ёзувчининг каттагина справкаси ва ундан ташқари тарихчи олимнинг мақоласи илова қилинган, «Спитамен» романига ҳам шундай мақола илова қилинган, Ибн Сино тўғрисидаги асарда ҳам шундай йўл тутилган. М. Эгамбердиевнинг «Сариқ аждаҳонинг сояси» романи охирида ҳам катта мақола бор. Буларнинг ҳаммасида бир ҳақиқат — ёзувчи тарихий ҳақиқатни бузмади, деган фикрни ҳимоя қилиш истаги бор холос. Ваҳоланки, бу саволга асарнинг ўзи, унинг ғоявий-бадиий қудрати жавоб бериши керак. Ёзувчининг ғояси, идеалини, синфий ва сиёсий шуурини, партиявий эътиқодини асарининг бутун образли жисмидан қидиришимиз керак.